



ИНВЕСТИЦИЯ, ЭКСПОРТ ВА САНОАТ СОҲАЛАРИДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 январь куни 2024 йилда инвестиция, экспорт ва саноат соҳаларидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларини 4 минг долларга етказиш мақсади белгиланган. Бунга фақат ички бозор билан эришиб бўлмайди, асосийси — хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш ва экспортни кўпайтириш зарур.

Танқидий руҳда ўтган йиғилиш аввалида ушбу соҳалардаги ишлар ҳолати, мутасаддиларнинг фаолияти кўриб чиқилди.

Сўнгги олти йилда юртимизга хориждан қарийб 50 миллиард доллар инвестиция кирган. Ўтган йили ялпи ички маҳсулот ҳам, саноат ҳам 6 фоизга ўсган.

Бирок товарлар экспортида ўсиш бўлмаган. Мамлакатимиз сертификатларини тан олиш бўйича хорижий шериклар билан ишлар лозим даражада ташкил этилмаган. Халқаро молия ташкилотлари иштирокидаги 480 миллион долларлик 5 та лойиҳа бўйича ўзлаштириш бошланмаган. Худудларда молиялаштирилиши тўлиқ яқунланган 8 триллион сўмлик қарийб мингта лойиҳа ҳалигача ишга тушмаган.

Фаолиятда сусткашликка йўл қўйгани учун инвестициялар, саноат ва савдо вазири ўринбосари Б.Абидов, Техник тартибга солиш агентлиги директори Д.Сагатов, Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги директори М.Мирзаев лавозимидан озод қилинди. Яна бир қатор раҳбарларга интизомий чоралар кўрилиши айтилди.

Умуман, инвестиция комплексига кирувчи барча вазир ва ҳоким ўринбосарлари фаолиятига самарадорлик кўрсаткичлари (КП) жорий этилиши белгиланди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари соҳадagi камчиликларни аниқ таҳлиллар асосида кўрсатиб ўтди.

Масалан, ўтган йили 2 та драйвер тармоқ ва 4 та худудда 2022 йилга нисбатан экспорт ҳажмлари камайган. Экспортнинг 50 фоизи ханузгача 4 та бозорга тўғри келмоқда. Ёки хорижга товарларнинг учдан бир қисми хомашё сифатида сотилмоқда.

Ўзбекистон “GSP+” тизимига қўшилиб, Европага 6 минг 200 турдаги товарларни божсиз олиб кириш имкониятига эга бўлса-да, ўтган йили бу тизим доирасида бор-йўғи 384 турдаги товарлар экспорт қилинган. Мева-сабзавот экспорти учун хорижий давлатларнинг фитосанитар рухсатлари олинганга қарамайдан, бундан тўлиқ фойдаланилмаган.

Аслида, мамлакатимиз иқтисодиётини янги босқичга олиб чиқиш учун экспортни йилга камида 30 фоизга ошириб бориш зарур.

Президентимиз бу борадаги муҳим вазифаларга тўхталиб, тузилмавий ислохотларни маълум қилди.

Хусусан, ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг тизими, иш услуби ва ёндашувлари тўлиқ ўзгарди. У янги салоҳиятли бозорлар топиш, экспортбоп маҳсулотлар экилишини ташкиллаштиришга ҳам масъул бўлади.

Сўнгги йилларда мева-сабзавот ва озиқ-овқат экспортида талаб этиладиган барча сертификат ва рухсатномалар тўлиқ рақамлаштирилди. Лекин ҳалигача чегарада бу жараён тўрт идора томонидан назорат қилинмайпти. Шу боис, чегарадаги барча назорат функциялари Божхона қўмитасига ўтказилиши белгиланди.

Кўплаб корхоналаримиз халқаро сертификати йўқлиги учун глобал логистика занжирларига қўшила олмапти. Иқтисодиётнинг драйвер соҳаларида халқаро стандартларни жорий қилиш даражаси 35 фоизга ҳам етмайди.

Шунинг учун Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги фаолияти тўлиқ ислоҳ қилиниб, Ҳукумат таркибига ўтказилди. Мутасаддиларга корхоналарда халқаро сифат тизимларини жорий этиш, сифати кафолатланган маҳсулотлар турини кўпайтириш, салоҳиятли давлатлар билан миллий сертификати икки томонлама тан олиш бўйича келишувларга эришиш вазифаси қўйилди.

Экспортни кредитлашга 200 миллион доллар ресурс берилган. Бундан ташқари, бу йил экспортёрларни қўллаб-қувватлашга 800 миллиард сўм йўналтирилмоқда. Лекин берилган маблағлар, ҳар доим ҳам, қўшилган қийматли маҳсулот ва экспорт манбаига айланмапти.

Шу боис, энди экспортни қўллаб-қувватлаш тизими ҳам ўзгарди. Экспортни рағбатлантириш агентлиги, Жаҳон савдо ташкилоти талаблари асосида, Савдонинг ривожлантириш компанияси сифатида қайта ташкил этилади. Бу компания берадиган субсидия, кредит ва ёрдамлар янги рейтинг асосида, энг аввало, юқори қўшилган қийматли маҳсулот билан янги бозорларга чиқарилган экспортчиларга ажратилади.

Маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга етказишда ишончли логистика занжирларини ташкил қилиш, минтақавий ва йирик халқаро лойиҳаларни жаддаллаштириш, товарларни божхона режимида қайта ишлашни кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда инвестициялар самарадорлиги ва галдаги режалар ҳам муҳокама қилинди.

Сўнгги олти йилда мамлакатимиз саноатида жалб қилинган инвестициялар ҳажми 7 баробар ошган. Ёки сўнгги уч йилда хориждан 14 миллиард долларлик асбоб-ускуналар олиб келинган.

Лекин саноат кўрсаткичлари, яратилган иш ўрни ва қўшилган қиймат шунга яраша ошмаган. Қатор худуд ва тармоқларда ишга туширилган корхона ва ускуналар экспорт натижасига таъсир кўрсатмаган. Лойиҳалар самарадорлиги устидан етарли назорат олиб борилаётгани танқид қилинди ва мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Ўтган йили балиқчилик, паррандачилик, заргарлик, асаларчилик ва ипақчилик тармоқларида, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида, шунингдек, 12 та туман ва шаҳарда

инвестициялар ҳажми нисбатан камайган. Айрим вилоятларда хорижий ташрифлар ва халқаро кўргазмалар чоғида келишилган инвестиция лойиҳаларининг ижроси суст.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирига бу лойиҳаларни алоҳида назоратта олиб, жаддаллаштириш бўйича кўрсатма берилди. Йиғилишдаги яна бир мавзу саноат ишлаб чиқаришини кўпайтириш ҳақида бўлди.

Бунинг учун юртимизда 24 та махсус иқтисодий зона ташкил қилинган. Уларга соддалашган тартибда ер ажратилиши, солиқдан имтиёзлар белгиланган. Лекин бу имкониятдан тўлиқ фойдаланилмапти. Масалан, республика бўйича бундай худудларнинг тайёр инфратузилмага эга 800 гектар майдони бўш турибди.

Шу боис, иқтисодий зоналарни ривожлантириш бўйича янги тажриба амалга оширилиши белгиланди. Хусусан, Бухоро, Навоий ва Тошкент вилоятидаги махсус саноат зоналарининг 240 гектар майдони хорижий компанияларга аутсорсинг асосида бошқарувга берилди.

Жорий йилда махсус иқтисодий худудларда 309 та йирик лойиҳани амалга ошириб, 40 мингта иш жойи яратиш мумкинлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллийлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Вазирлар Маҳкамасига худудларда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш дастурини қабул қилиш вазифаси қўйилди. Жумладан, талаб юқори бўлган 25 турдаги озиқ-овқат маҳсулотини юртимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, озиқ-овқат корхоналарида халқаро стандартларни жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Бундай имкониятлар чарм саноатида ҳам бор. Масалан, аҳолимизда автомобиль ўриндиги жилдлари, спорт буюмлари, пойабзал ва аёллар сумкасига талаб кўп. Шундан келиб чиқиб, тармоқ раҳбарларига худудларда лойиҳаларни шакллантириш топширилди.

Маҳаллийлаштириш фақат товарлар эмас, хизматларда ҳам бўлиши керак. Хусусан, охириги беш йилда энергетика, нефть-газ ва металлургия соҳаларида қатта заводлар ишга тушди. Бундай мажмуалардаги юқори технология ускуналарни эксплуатация қилиш ва таъмирлаш бўйича малакали хизматларга талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Шуни инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамасига йирик корхоналарга сервис хизмати кўрсатишда маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш бўйича вазифа қўйилди.

— Ҳар бир раҳбар фидойи бўлиб, ватани ва халқини севиб, тизими билан бирга ўз вазифаларини виждонан бажарса, биз қўяётган марраларга албатта эришса бўлади, — деди Президент.

Йиғилиш якунида инвестиция комплекси раҳбарлари, вазирлар ва ҳокимлар жорий йилдаги режалари бўйича ахборот берди.

ЎЗА

Нуқтаи назар

КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТ ҒОЯНИ ПУЛГА АЙЛАНТИРИШ ТАШАББУСИ

Инсоният кўчманчиликдан ўтроқ шароитга ўтиб, ижтимоийлашув бошланган даврдан то бугунги кунга қадар бўлган жамиятлар ривож таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳар бир одамнинг фаровон ва тўқис ҳаёт кечириши икки асосий жиҳат: биринчиси, шахсий мақсадлари ва шунга мувофиқ қилаётган амали, иккинчиси, у яшаган давр жамияти қарашлари ва барқарорлигига боғлиқ эканини кўриш мумкин. Бу икки омилнинг қай бири муҳимроқ экани борасида турли қарашлар мавжуд. Бизнингча, биринчи омилни рад этмаган ҳолда, иккинчи жиҳатнинг ижтимоий йўналтириш характерига эга эканидан келиб чиқиб, уни асосий омил сифатида баҳолаш мумкин.



Бу нималарда кўринади? Айтайлик, сиз мўл ҳосил етиштиришни ҳадисини олган уста деҳқонсиз. Ҳар йили бошқаларга нисбатан кўп ҳосил ва шунга яраша даромад оласиз. Бу — сизнинг мақсад ва уни амалга оширишга йўналтирилган сазй-ҳаракатларингиз самараси. Бошқача айтганда, биринчи жиҳат ҳосиласи.

Айни ҳолатда агар иккинчи жиҳат таъсири ва кўмаги билан етиштирилган ҳосилни қайта ишласангиз, экспортга йўналтирсангиз, табиийки, даромадингиз ва шунга мос равишда турмуш фаровонлигингиз бир неча баробар ошади. Демак, бир-бирига узвий боғлиқ ушбу омилларда иккинчи жиҳат

қармови ва самарадорлиги бўйича устунликка эга.

Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Айниқса, мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек буюк мақсадлар йўлида олиб борилаётган ислохотлар самараси бунга “узукка кўз қўйгандек” мос тушади. Нега деганда, яқин-яқингача иқтисодиётимиз пахта яккахокимлигига асосланган, жамият ҳаёти пахтачиликка чамбарчас боғланган ва ўз навбатида, аҳоли фаровонлиги кўпроқ шу хомашёни етиштириш билан боғлиқ эди.

➤ Давоми 3-бетда

Мулоҳаза

БАРЧА ИЛЛАТЛАРНИНГ ДОЯСИ — ЛОҚАЙДЛИК

Ҳар қандай мафқуранинг моҳияти, ғоянинг кучи тарғибот ва ташвиқотнинг самарали, таъсирчан бўлишига боғлиқ. Давлатимиз раҳбари қаерда, қайси соҳа вакиллари билан учрашмасин, учта тушунчага алоҳида эътибор қаратиб, шуни талаб этади. Булар — сифат, самара ва натижа. Халқ хўжалигининг барча жабҳаларида ана шу учта тушунча бўлмаса, ҳаракатлар бехуда кетади, тараққиёт ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

Президентимиз Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг раиси сифатида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш борасида топшириқлардан ҳам билиш мумкин.

Илк таъриф шундай: “Маънавият энг таъсирчан ва қудратли қуролимиз”.

Дарҳақиқат, ғовий мафқура омма онгига тез, содда, аниқ, раван ва таъсирчан сингдирилмаса, қудратли қурол бўлиши амримаҳол. Тарғиботчи ана шу томон-

ларни эътиборга олган ҳолда иш тутиши мақсадга мувофиқ. Халқимизнинг “Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор” деган нақлини биласиз. Бу фақат сўзга эмас, балки сўзловчи ҳам тааллуқли. Нотиқлик санъатининг муҳим мезони кимга, нима ҳақда, қачон, қаерда, қандай қилиб ва энг муҳими, қанча айтишни билдириши. Тарғиботчиларнинг аксарияти ана шу оддий қондага амал қилавермайди. Натижада тингловчиларни зериктиради, бездиради, оқибатда қўйилган мақсадга эришилмайди.

➤ Давоми 5-бетда

Журналист сафарда бўлди



ТОМДАГИ НОЁБ ҚУРИЛМА

У одамларга қанчалик наф келтиряпти?

Табиятнинг инсонга атаган неъматлари бисёр. Тоза ҳаво, қуёш нури, яшилликдан тортиб, сув, унумдор тупроққача бари тириклик манбаи, одамзоднинг фаровон яшашига хизмат қилаётган тухфалардир. Яна буларнинг барчаси беминнат. Офтоб ўз нурини сочгани, атмосфера тоза ҳаво бергани, ўсимликлар атрофни кислород билан тўйинтиргани учун биздан ҳеч қандай ҳақ олмайди. Аксинча, улардан иккиламчи мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин ва бу бизнинг давримизга келиб, тобора оммалашиб борапти. Айниқса, табиий ёруғликдан электр энергия олиш технологиясини чинакам кашфиёт, деса бўлади.

➤ Давоми 4-бетда

19 январь — Маҳмудхўжа Бехбудий таваллуд топган кун

“ТИЛДА, ФИКРДА, ИШДА БИРЛИК”

Бу маърифатпарвар жадидларимиз шиор қилиб олган эзгу ғоя эди

Шахс камолотида орзу-идеал қанчалик зарур бўлса, жамият равнақи учун ғоянинг аҳамияти ундан кам эмас. Ўтган аср тонгида жадидчилик ғояси миллатнинг уйғониш мафқураси бўлиб, қатта кучга айланган сингарни янги Ўзбекистон ғояси замонавий тараққиётга қувват бағишлаётгани сабаби шунда. “Жадид” атамаси янги, янгилик маъноларини англатиши эътиборга олинса, жадидчилик ва янги Ўзбекистон ғояларининг нечоғлик уйғун экани янада ойдинлашади.



Ҳаким Йўлдошев олган сурат.

Президентимиз Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида бунга алоҳида урғу берди: “Маърифатпарвар жадидларимизнинг меъроси давлат ва фуқаролик жамияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиийдир. Чунки уларнинг ғоя ва дастурлари янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамохандир”.

Айни уйғунлик моҳиятини чуқур таҳлил этиш, ўз ғоялари атрофига жамиятнинг барча қатламларини жалб эта олган маърифатпарвар жадидларнинг адабий-илмий меъроси ва ижтимоий-маърифий фаолиятидан бугунги тараққиётни таъминлашда тўлақонли фойдаланиш, шунинг учун ҳам, ҳаётини эҳтиёждир.

➤ Давоми 6-бетда

Муносабат

ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ РЕСУРСЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА СТРАТЕГИК АҲАМИЯТГА ЭГА



Элдор МАҲАММАДИЕВ, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги бошқарма бошлиги

Аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш, хусусан, маҳаллий хомашёдан кўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот яратишнинг тўлиқ занжирини йўлга қўйиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилиш, янги иш ўринлари ташкил этиш борасидаги ишлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб борапти.

кооперация алоқаларини кенгайтириш, саноат кооперациясини йўлга қўйган корхоналарни фаол рағбатлантириш тизимини жорий қилиш, ҳар бир туманда замонавий технологик саноат зоналарини ташкил этиш, бунинг учун 60 минг квадрат километр майдонда геология-қидирув ишларини амалга ошириш, яъни хомашё захираларини кўпайтириш вазифаси белгиланган.

Бундан ташқари, стратегияда саноатда ишлаб чиқариладиган технологик маҳсулотлар улушини 25 фоиздан 32 фоизга етказиш, қайта ишлаш саноатида меҳнат унумдорлигини 2 баробар, юқори даромадли маҳсулот учун зарур бўлган мис ишлаб чиқаришни 3,5 баробар, олтинни 1,5 баробар, қумушни 3 баробар, урanni 3 баробар кўпайтириш мақсади ҳам белгиланганки, бу вазифалар ижроси ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, умуман олганда, иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Стратегияда белгиланган мақсад ва вазифаларнинг ҳаётга ўз вақтида ва сифатли татбиқ этилиши занжир ҳалқасидек бир-бирига узвий уланган жараёнга боғлиқ. Яъни рақобатбардошлик халқаро бозорнинг бугунги асосий талаби экан, унга эришиш ишлаб чиқариш сифати ва ҳажмини ошириш, таннархни пайсатириш, хомашёдан қўшилган қиймат яратишнинг тўлиқ занжирини йўлга қўйиш заруратини юзага келтиради. Пировад натижа эса хомашё захираларини кўпайтириш, бунинг учун геология-қидирув

ишлари қамровини кенгайтиришга бориб тақалади. Бошқача айтганда, бугунги ўсиб бораётган иқтисодиётни ресурслар билан таъминлашда геология-қидирув ишлари стратегик аҳамиятга эга.

Шу боис, геология-қидирувнинг қамрови ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, соҳага йилига 1 триллион сўм ажратилмоқда. Натижада 31 минг квадрат километр янги ҳудудлар ўрганилиб, 2023 йилда олтин захиралари 103,1 фоиз, қумуш 140,8 фоиз, мис 101,7 фоиз, уран 110,5 фоиз, кўрғошин 100,7 фоиз, рух 126,6 фоиз, вольфрам 125,3 фоиз, ер ости сувлари 132,8 фоиз ҳажмда кўпайтирилди.

Шунингдек, олтиннинг прогноз ресурслари 100 фоиз, қумуш 100,7 фоиз, мис 106,8 фоиз, уран 100 фоиз, кўрғошин 100,9 фоиз, рух 110,2 фоиз, вольфрам 100,5 фоиз ва углеводород 3 баробар ҳажмда ўстирилди.

Хусусий сектор учун яратилган имкониятлар эвазига нурда конларга инвесторлар жалб қилинмоқда. Соҳада бугунги кунда 1 миллиард 700 минг долларлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Лекин геология соҳасида фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Шундан келиб чиқиб, 2024 йилда бу кўрсаткични 2 баробар ошириш режалаштирилди. Бинобарин, фойдаланилмаган имкониятларни ишга солиш конлар ва уларни ўзлаштириш кўламини кенгайтириш, бошқача айтганда, хомашёни кўпайтириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга хизмат қилади.

Президентимиз шу йил 15 январь кунни геология соҳасида қилинган ишлар ва келгуси режаларга оид тақдимот билан танишини чоғида яқин ва узоқ истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб

лойиҳа эвазига юртимизда юқори сифатли кўмир қазиб олиш қуввати 900 минг тоннагача ошадди. Бойсун конини ўзлаштириш орқали ҳам ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш имконияти катта.

Геология-қидирувнинг қамрови ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, соҳага йилига 1 триллион сўм ажратилмоқда. Натижада 31 минг квадрат километр янги ҳудудлар ўрганилиб, 2023 йилда олтин захиралари 103,1 фоиз, қумуш 140,8 фоиз, мис 101,7 фоиз, уран 110,5 фоиз, кўрғошин 100,7 фоиз, рух 126,6 фоиз, вольфрам 125,3 фоиз, ер ости сувлари 132,8 фоиз ҳажмда кўпайтирилди.

берди. Давлатимиз раҳбари соҳада узоқни кўзлаш ва замондан илгари юриш муҳимлигини таъкидлади.

Аҳоли, иқтисодий соҳа ва саноат тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиқиб, кўмир қазиб чиқариш ҳажмини 22 фоиз ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Албатта, белгилаб берилган бу вазифа ижросини таъминлаш учун барча асослар мавжуд.

Хусусан, биринчидан, юртимиз ҳудудида 2 миллиард тонна кўмир захиралари борлиги аниқланиб қилинган.

Иккинчидан, ўтган йили “Шаргункўмир” акциядорлик жамиятини модернизация қилиш лойиҳаси яқунланди. Биргина ана шу

Учинчидан, Президентимизнинг 2017 йил 13 июндаги “2017-2021 йилларда кўмир саноатини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ўтган йиллар мобайнида маънан эскирган техника воситаларини янгиланган, кончил тизимидаги темир йўлларни модернизация қилиш, янги инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Тақдимотда илгор хорижий тажриба асосида бойитиш чиқиндиларини қайта ишлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Умуман олганда, тақдимотда белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб,

Тараққиёт мезонлари

ҲАР ЙИЛИ 500 МИЛЛИОН СЎМ ТЕЖАЛАДИ

натижада 21 мингдан ортиқ тадбиркор фаолияти кенгайди



Одинахон ОТАХОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

ликни пухта ўрганиши учун барча шароит, қулайликлар яратилди. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Натижада ички ва ташқи бозорда ўз нуфузи ва брендига эга тадбиркорлар синфи шакллана бошлади. Барча тармоқларда тадбиркорлик муҳити яратилиб, кичик ва ўрта бизнес ҳаётимизга жадал кириб келди. Тадбиркорлар давлатнинг ишончли ҳамкори, давлат эса ҳар бир бизнес вакилининг яқин дўстига айланган. Асосийси, ушбу соҳада минглаб фуқароларнинг бандлигини таъминлашга эришилди.

Бугун мамлакатимизда ҳар йили яратилаётган иш ўринларининг 90 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келаётгани, ушбу тармоқда 5 миллиондан зиёд аҳоли, айниқса, ёшлар меҳнат қилаётгани хусусий бизнеснинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ҳам ошиб бораётганидан далолат беради. Бинобарин, бизнес ривожланган, тадбиркорлик кенг қўлоч ёйган юрда аҳоли фаровон яшайди, одамлар ҳаётдан рози бўлади, бизнес ривожланади. Ишсизлик эса ўз ортидан кўплаб муаммоларни етаклаб келади. Шу боис, ҳар бир инсоннинг турмуш даражасини янада яхшилаш, маҳаллаларда одамлар учун муносиб шароит яратиш ҳозир ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Ишсизликни камайтиришнинг энг самарали йўлларидан бири — аҳолини касбга ўқитиш, одамларда томорқага, ерга муносабатни ўзгартиришдир. Бу жараёнда ҳар бир туманининг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, деҳқончилик



Мамлакатимизда бандлик соҳасига бу даражада катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки ҳозир ишсизлар сони 1 миллион 300 минг нафарни ташкил қиляпти. 2024 йилда яна 2 миллион 400 минг аҳоли меҳнат бозорига кириб келишини инобатга олсак, бу борада зарур чоралар кўриши, бизнесни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш ғоят муҳимлиги аён бўлади.

маъно бор. Жорий йилда ҳам иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорлик ва хусусий мулк учун кенг имкониятлар яратиш янада кучайтирилади, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромади зорида давлатимиз эътиборида бўлади, дегани.

Ҳақиқатан, юртимизда аҳолини иш билан таъминлаш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар фаоллашмоқда. Президентимизнинг ҳудудлар иқтисодиёти, аҳоли турмуш шароити билан яқиндан танишини мақсадида вилоятларга ташрифларида ҳам асосий эътибор ишсизликни камайтириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилмоқда. Деярли ҳар бир селектор йиғилишларида ушбу масала муҳокама қилинапти. Яқинда ҳам Президентимиз аҳоли бандлигини ошириш ҳамда тадбиркорлик соҳаси-

даги мажбурий талабларни қисқартиришга оид тақлифлар тақдимоти билан танишини давомиди бандлик соҳасига доир муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Мамлакатимизда бандлик соҳасига бу даражада катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки ҳозир ишсизлар сони 1 миллион 300 минг нафарни ташкил қиляпти. 2024 йилда яна 2 миллион 400 минг аҳоли меҳнат бозорига кириб келишини инобатга олсак, бу борада зарур чоралар кўриши, бизнесни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш ғоят муҳимлиги аён бўлади. Айнан шу маънода жорий йилда 5 миллион аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсад қилинган эътиборга молик. Сабаби айни пайтда хизматлар соҳасида 2,5 миллион, қишлоқ ҳўжалигида 2,1 миллион, инвестиция лойиҳалари ва саноатда 250 минг, қурилишда 140 минг иш жойи яратиш имконияти бор.

Замонавий молиявий инструментлар, жумладан, микроолиялашнинг янги тизимини кенг жорий қилиш орқали 2 миллион аҳолини бизнесга жалб қилиш кўзда тутилаётгани давлатимиз томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш, халқимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашини учун катта ислохотлар бошланганидан далолат беради. Тақдимот йиғилишида 2024 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигига қўмлашнинг дастури бўйича ҳам ахборот берилди. Давлатимиз раҳбари ушбу дастурни маъқуллаб, уни амалга ошириш юзасидан қўшимча кўрсатмалар берди.

Иқтисодий айланмага киритилмаган ерларни инфратузилмага улаш, лойиҳаларни ишга тушириш учун ташаббускорларни қўллаб-қувватлаш ҳам кечиктириб бўлмас вазифадир. Бу жараёнда “Агратор” тизими асосида “100 минг экспортчи деҳқон” дастури жорий қилиниб, бу йил 15 минг гектар ер майдони аукционга чиқарилиши белгилангани энг тўғри ва оқилона йўлдир.

Тақдимотда тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларни қисқартириш ҳамда лицензиялаш тартибин соддалаштиришга оид тақлифлар ҳам кўриб чиқилди. Бу йил юртимизда бизнесни юритиш учун янада

қулай шароитлар яратиш мақсад қилинган. Ҳозирга қадар тадбиркорлардан мавжуд маълумотларни қўшимча равишда талаб қилиш ҳолатлари бор эди. Жорий йилдан бошлаб 34 турдаги ҳисоботлар бекор қилинмоқда. Бунинг натижасида ҳар йили 21 мингдан ортиқ тадбиркорнинг 500 миллион сўм харажати тежалди.

Ҳар ойнинг охирига ҳафтасида жойларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказамиз. Очiq мулоқотларимиз чоғида кўплаб ёшлар, хотин-қизлар билан суҳбатлашамиз. Очиғи, уларнинг аксариятида тадбиркорлик билан шугулланишга, бизнесни бошлашга бўлган қизиқиш юқори. Кўзи ёниб турибди, қалби орзуларга тўла. Лекин уларнинг бирор иншини бошини туттишига, ўз лойиҳасини амалга оширишига имконияти йўқ, қурбн етмайди.

Ийгиликда тадбиркорларга мажбурий талабларни қисқартириш мақсадида 16 та лицензия ва рухсатномани бекор қилиш лозимлиги белгиланди. Бу минглаб тадбиркорларнинг айни дилдаги гап бўлди, десам муволажа бўлмайди. Булар ҳали ҳаммаси эмас. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида 2026 йилга қадар камбағалликни 2022 йилга нисбатан 2 баробар, 2030 йилга қадар эса кескин қисқартириш, камбағалликка тушиш хавфи мавжуд 4,5 миллион аҳоли даромадини ошириш, ижтимоий шериклик асосида 500 минг малакали мутахассис тайёрлаш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Ушбу давлатий ҳужжатда меҳнатга лаёқатли аҳоли, жумладан, ёшлар ва ногиронлиги бўлганларнинг бандлигини таъминлаш орқали ишсизлик даражасини 7 фоизгача тушириш кайд этилган. Шунингдек, 2 миллион фуқарони касб-хунар, тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитиш, касб-хунарга ўқитишда хусусий сектор улушини 30 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Умуман, белгилаб берилган вазифалар фақат вазирлик ёки идоралар раҳбарларига тегишли эмас. Бу борада даражадаги раҳбарлар, жумладан, депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юкляди. Шундай экан, бу борада берилган энгилликларни тадбиркорларга етказиш, уларнинг тақлифларини доимий ўрганиш, статистик ҳисоботларини янада мақбуллаштириб боришда барчамиз фаол ва ташаббускор бўлишимиз лозим. Шундагина тизимли ишлар ўз самарасини бераверади.

Янги конларни аниқлаш, тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, трансформация жараёнларини амалга ошириш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишлар жадал давом эттирилади. Бинобарин, пировад мақсад — глобал рақобатда ютиш доим ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, таннархни қисқартиришни талаб этган. Бу жараёнда геология-қидирув ишларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Бошқача айтганда, ушбу йўналишни яхлит бир тизимнинг бошланғич нуқтаси, дейиш мумкин. Шу маънода, юқорида кайд этилгани каби йирик лойиҳаларини амалга ошириш халқимиз фаровонлиги, иқтисодиёт ривожини ва барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Нуқтаи назар



Ойбек ДЎСМУХАМЕДОВ, иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори

Бошланиши 1-бетда

Президентимизнинг бундай узоқ турғунлик — хомашё етиштиришдан уни чуқур қайта ишлаб, саноатлаштириш жараёнига ўтишга доир қатъий талаб ва ташаббуслари, шунга мос яратиб берилаётган шароитлар туфайли тарихан қисқа даврда катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Буни нафақат пахта хомашёсини ўзимизда тўлиқ қайта ишлашга эришилгани ва текстиль йўналишида кўплаб янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилгани, балки авваллари хомашё сифатида экспорт қилинган қора ва рангли металлари қайта ишлашнинг тўлиқ занжири яратилгани каби мисолларда ҳам кўриш мумкин.

Кулай инфратузилма ва бизнес муҳити яратиш йўлида

Иккинчи жиҳатнинг яна бир муҳим томони — жамиятнинг маълум бир мақсад йўлида бирлаштириш, бошқача айтганда, йўналтириш ҳамда қўллаб-қувватлаш бугунги глобаллашув ва жадал тараққиёт шароитида рақобатда ютишни муҳим шартга айланди. Шу боис, Ўзбекистон ҳам юксак тараққиётга эришиши ва аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришдек катта мақсадларни ўз олдига устувор вазифа сифатида қўяр экан, бу жиҳатда алоҳида эътибор қарата бошлади. Аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш, мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, бунинг учун кулай инфратузилма ва бизнес муҳити яратиш, ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш чоралари кўрилди ва бу жараён давом этапти.

Гап иқтисодий барқарорлиги ва аҳоли фаровонлиги ҳақида борар экан, уни таъминлашнинг энг асосий шарты зamon талабларига мос янги ғоя ва ташаббусларни ҳаётга татбиқ этишдир. Бинобарин, Президентимиз таъкидлаганидек, “Янги давр учун янги ғоя ва ташаббуслар керак, янги натижалар керак. Шундагина у том маънода янги давр бўлади”.

Эътиборли жиҳати, кейинги йилларда аввалги даврлардан фарқли ўлароқ, янгиликдан, янгиликдан чўчиш эмас, янги ғоя ва ташаббусларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш кучайди. Бу жараёнда, айниқса, давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзи халқаро миқёсда ҳам фаол экани диққатга сазовор.

Президентимиз 2023 йил 22 декабрь кунини ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йўналишидаги нутқида иқтисодий-иқтисодий барқарорлиги, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилувчи яна бир янги йўналиш — креатив иқтисодийга тўхталиб, “Келгуси йили Тошкентда креатив иқтисодийга бағишланган халқаро конференцияни, Нукусда эса “Орол маданияти” халқаро илмий анжуманини ўтказамиз. Креатив иқтисодийнинг ривожлантириш бўйича алоҳида қонун қабул қилиш ҳам кун тартибидеги долзарб масаладир”, деди.



КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТ

ҒОЯНИ ПУЛГА АЙЛАНТИРИШ ТАШАББУСИ

Ижодий иқтисодий ва индустрия

Креатив иқтисодий атамаси аксарияти-миз учун нисбатан янгилик. Шунинг учун креатив иқтисодий ўзи нима экани, қайси йўналишлари қамраб олиши, имкониятлари хусусида фикрлашамиз.

Аввало, креатив иқтисодий атамаси маъносига тўхталсак. Креативлик латинча Creatio — яратиш, бунёд этиш, ижодкорлик сўзларидан олинган ва атама сифатида 1950 йилларда психология фанига кириб келган. Креативлик деганда, шахснинг маълум стандартлар, нормалар, шаблонлардан четга чиқиш лаёқати ва барча жабҳаларда ноодатий ёндашув хусусияти тушунилади.

Креатив иқтисодий тушунчаси биринчи марта 2000 йилда Business Week журналидаги мақолада тилга олинган. Унда муаллиф XXI асрда компаниялар тараққиётида креатив ғояларнинг аҳамияти ортиб, интеллектуал ресурслар ишлаб чиқаришнинг асосий омилига айланиши ҳамда янги иқтисодий шароитларига мослашиш имкониятлари ҳақида фикр юритган.

Унинг бугунги кундаги зарурати, жумладан, Ўзбекистон учун аҳамияти ҳақида тўхталганда, жаҳонда креатив иқтисодий жадал ривожланаётган глобал тармоқлардан бирига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Бу йўналиш халқаро даражада келажақдаги иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида эътироф этилмоқда. Масалан, UNESCO таҳлилларига кўра, ушбу йўналиш жаҳон ЯИМнинг 3.1 фоизи ва барча иш ўринларининг 6,2 фоизини ташкил этмоқда.

Ушбу йўналиш бугун шу қадар устувор йўналишга айланиптики, ҳатто БМТ 2021 йилни Барқарор ривожланиш учун Халқаро ижодий иқтисодий йили, деб эълон қилди. “Influencer Marketing Hub” маълумотига кўра, ижодий иқтисодийнинг глобал бозори жорий йилда 1 триллион долларга етади.

Креатив иқтисодий, бу — барча тармоқларда ғоядан пул топишга асосланган фаолият ҳисобланади. Унинг асосий йўналиши креатив индустриядир. Креатив индустрия интеллектуал фаолият натижасида яратилган товар ва хизматларни сотишга асосланган иқтисодийнинг махсус тармоғидир. Ушбу товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда технология, инновация ва креативликнинг ривожланиши муҳим роль ўйнайди. Ғарб давлатларида креатив соҳаларни ривожлантириш бундан 15-20 йил аввал қўллаб-қувватлана бошлаган.

БМТнинг Савдо ва тараққиёт конференцияси (UNCTAD) классификацияси креатив соҳаларни тўртта асосий гуруҳга бўлган: мерос, санъат, медиа ва функционал. Бу гуруҳлар, ўз навбатида, тўққизта куйи гуруҳларга бўлинган.

Мамлакатимизда креатив индустрия, жумладан, маданият ва санъат соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Айни пайтга қадар ушбу йўналишнинг ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилгани диққатга сазовор. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 26 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2022 йил

— янги турдаги маҳсулотлар ва инновацион технологиялар яратишнинг ғоядан якуний истеъмолчигача бўлган комплекс тизимини таъминлаш орқали инновацияларга талабни рағбатлантириш; — таълимнинг барча босқичларида яратувчанлик, инновацион тадбиркорлик ва рационализаторлик кўникмаларини ривожлантириш орқали инновацион фаолият бошқаришда инсон капиталини янада ривожлантириш; — музей бошқаруви ва маркетингидеги илгор хорижий тажрибани яраткиш; — маданиятни кенгроқ ўрганиш ва олға силжишида инновацион ғоялар ва технологиялардан самарали фойдаланиш; — маданият ва санъат соҳасида миллий брендларни яратиш ва уларнинг жаҳон туризм бозорларига чиқишига комплекс равишда ёндашув; — кино саноатига хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ривожлантиришга йўналтирилган замонавий маркетинг тадқиқотларини ўтказиш.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасида меърий ҳужжатларида креатив иқтисодий ёки креатив индустрия сўзлари учрамайди, бу мамлакатимиз учун нисбатан янги тушунча ҳисобланади. Креатив иқтисодий асосан, “стартан”лар, яъни янги бизнес-лойиҳалар, оригинал ғояларни қўллаб-қувватлаш орқали фуқароларнинг



6 июлдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари билан ижодий иқтисодийнинг ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгиланди. Жумладан:

- инновацион инфратузилма субъектлари тармоғини шакллантириш орқали стартан ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳамда йирик ҳажмли ишлаб чиқаришни (капитал яратиш) ташкил этиш; — инновацион фаолиятнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг институционал механизмларини такомиллаштириш орқали инновацион фаол ташкилотлар улусини ошириш; — кичик тадбиркорликнинг инновацион фаолиятини ошириш орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жадал ўсишини таъминлаш;

ишлаб чиқаришдаги фаол иштирокини назарда тутди.

Халқаро тажриба

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, креатив индустрия шаҳарлар ва ҳатто бутун мамлакат иқтисодий ривожланишнинг драйвери, яъни ҳаракатлантирувчи кучига айланмоқда.

Креатив индустрия қатор Европа шаҳарларининг янги иқтисодий ривожланиш сиёсати ва стратегияларини марказида туради. Креатив тармоқлар фаол ўсиши, айниқса Лондон, Берлин ва Барселона шаҳарларида кузатишмоқда. Жумладан, Лондонда 386 мингдан ортиқ креатив тадбиркорлар мавжуд, улар 19 миллиард фунт стерлингда яқин даромад келтиради. Бу Буюк Британия



(UNCTAD таснифи бўйича креатив соҳалар таснифи)

креатив тадбиркорлар фаолиятини мувофиқлаштиради. Креатив индустрия йилига 5,7 миллиард евро миқдоридеги даромад келтиради. Бу Барселонада ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар қўшимча қийматининг 3,2 фоизини ташкил этади. Испания ҳукумати Барселонада таълим, илмий тадқиқот ишлари олиб бориш, креатив соҳаларда бизнес лойиҳаларини йўлга қўйишга кўмаклашмоқда. Креатив лойиҳаларга инвесторларни жалб этиш мақсадида савдо ярмаркалари, иқтисодий тадбирлар ва ғоялар танловлари ташкил этилади.

Хорижий мамлакатлар амалиётда креатив индустрияни ривожлантириш бўйича ҳукуматлар, вазирликлар даражасида амалга оширилаётган ҳамда давлат томонидан молиялаштириладиган турли дастурларни ривожлантиришга асосланади. Булар профессионал тармоқлар ва уюшмалар, махсус таълим дастурлари, бизнес инкубаторлар ва акселераторлар ҳамда ижодий кластерлардир.

Буюк Британияда креатив индустрия вакиллари биноларни имтиёзли шартлар асосида тақдим этиш ва грантлар асосида қўллаб-қувватлаш амалиёти кенг тарқалган. Ҳозир ушбу давлатда креатив индустриянинг мамлакат иқтисодий ҳаётидаги улushi 77 миллиард фунт стерлингни ташкил этади. Биргина ушбу тармоқда 1,7 миллиондан ортиқ иш ўрни яратилган.

Креатив индустрияни ривожлантиришнинг Осиё модели ижодий маҳсулотнинг инновация таркибий қисмини яратишга қаратилган. Бунда анъанавий маданият элементларидан жаҳон бозорига миллий манфаатларни илгари суриш сиёсати сифатида фойдаланади. Жанубий Кореяда “Корея ижодий контент агентлиги (КОССА)” мамлакат креатив индустриясидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва корейс товарларини



Хориж тажрибасини ўрганиш жараёнида креатив индустрияни ривожлантиришнинг дунё бўйича тўртта гуруҳ моделлари аниқланди. Булар: Америка, Скандинавия, Европа ва Осиё.

Креатив индустрияни ривожлантиришнинг тўрт гуруҳи

Европадаги креатив соҳалар фаолиятини маданий қадриятлар, индивидуал ёки жамоавий ижодий фаолиятнинг бадиий шакллари асосланган, “Креатив Европа” дастурида белгиланган тармоқлардан иборат бўлади. Уни ривожлантиришнинг Европа модели халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, креатив индустрияларнинг тармоқ фаолияти ва муҳим таркибий қисмларини биргаликда ҳамда кластерлар тизими орқали молиялаштиришга асосланади. Креатив кластерлар бу креатив маҳсулот яратувчиларининг маълум бир ҳудудда концентрациялашуви бўлиб, ушбу йўналишда фаолият юритувчи тадбиркорлар ва истеъмолчилар учун ижодий куч ва илҳом берувчи марказ ҳисобланади.

Кўнра китъа мамлакатларида креатив кластерлар ўз иштирокчиларининг бадаллари, шунингдек, олинган грантлар ҳисобига фаолият юритади. Ҳозирда креатив сектор ва тармоқларни молиялаштириш долзарб масала бўлгани сабабли Европада самарали молиявий экотизимни яратиш устида иш олиб боришмоқда.

Америка модели тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш, ижодий қобилият ва яратувчанликни ривожлантириш сиёсати асосланади. АҚШда “глокализация” стратегияси кенг қўлланилади. Бу иқтисодий, ижтимоий, маданий ривожланиш жараёни бўлиб, кўп йўналишли тенденцияларнинг биргаликда мавжудлиги ва хорижий истеъмолчиларнинг эҳтиёжига мослаштирилган маҳсулот ва хизматларни яратишга йўналтирилган билан тавсифланади.

халқаро бозорга олиб чиқиш сиёсати билан шугулланади. Хитойнинг креатив индустрияси эса иқтисодийнинг хусусий сектор сармаларига таянган ва Европанинг ижодий соҳалари каби глобал бозорларга йўналтирилган.

Методологик нуқтаи назардан, ижодий, маданий ва креатив индустрияга тааллуқли соҳаларни ажратиш муаммоси хориж ҳамда Ўзбекистон амалиётида очиклигича қолмоқда. Мамлакатимиз иқтисодий ривожланишида креатив индустрия улусини баҳолаш ҳамда унинг тараққиёт тенденцияларини таҳлил этиш мақсадида Ўзбекистонда креатив индустрияга тааллуқли соҳаларни аниқлаш методологиясини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида аҳолини иш билан таъминлаш, ижодий қобилиятга эга истеъмолчиларни ҳамда креатив тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш зарурати ортиб бормоқда. Бутун дунё, жумладан, креатив индустрияни юқори ривожланиш даражасига олиб чиқишда мактаб даврдан бошлаб креатив тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш бўйича таълим дастурларини кенгайтириш, шубҳасиз, устувор вазифалардан биридир. Креатив индустрияни молиялаштиришда қўлла-ниладиган краудфандинг ва фандрайзинг усулларидан ташқари, ижодий соҳа вакилларининг фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва самарали молиявий инфратузилма яратилиши Ўзбекистон иқтисодий тармоқларини диверсификация қилишнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Умуман, мамлакатимизда креатив иқтисодийнинг ривожлантиришнинг дастлабки босқичлари бошланган. Масалан, аксарият шаҳарларимизда ёшларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришга хизмат қилаётган технопарклар ташкил этилди. Натijaда юрти-мизда стартанлар тобора кенг жорий этилиб, ёшлар орасида оммалашиб бормоқда. Бу қувонарли ҳол, албатта.

Журналист сафарда бўлди



Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

ТОМДАГИ НОЁБ ҚУРИЛМА

У одамларга қанчалик наф келтиряпти?

Бошланиши 1-бетда

Мақоламизда бу кашфнинг қандай яратилгани, илк бор кимнинг хаёлига келгани, қуёш панеллари, деган сўз қачон пайдо бўлгани ҳақида фикр юритмоқчи эмасмиз. Зотан, ҳозирги кунда одамларни кўпроқ ушбу панелларнинг фойдаси, тежамкорлиги, хонадонга ўрнатиш харажатлари ва қуёш батареяси ўзида

тўплаган ортиқча электр токини давлатга сотиш имконияти каби ҳаётий саволлар қизиқтиради. Бу ҳақда мутахассислардан маълумот олиш бошқа, аммо панелларни ўз хонадонига ўрнатиб, ундан фойдаланаётган одамлардан сўраб билиш ҳамма учун қизиқ. Ахир бошдан ўтказган табиб, дейишадими-ку. Янги технологиянинг қулайлигини ҳам, камчилигини ҳам ҳеч ким ундан фойдаланаётган одамлардек яхши билмас керак.

ЭЛЕКТР ТОКИ ТЕКИНГА ТУШАДИ

Чиндан ҳам, кейинги пайтларда одамлар янгиликни анча тез қабул қиляпти. Илгари бирор янги қурилманинг оммалашгани учун бир неча йил кетган бўлса, ҳозир юртимизга кириб келиши ҳамон харидорлари пайдо бўляпти. Қуёш панелларидан фойдаланиш ҳам шундай, кўпчилик бунга дарҳол қизиқиш билдириди. Аввалга, уларни корхона, ташкилот-муассасаларга ўрнатиш бошланди, бугун эса кўп хонадонлар томида қуёш панелларига кўзимиз тушяпти. Айниқса, ушбу қурилмани ўрнатган аҳолига бир қатор имтиёзлар берилгани истеъмоличларда катта қизиқиш уйғотиб, улар сафни кенгайишига туртки бўлмоқда.

Бу, айниқса, эҳтиёжманд, кам таъминланган оилалар учун яхши имконият. Юқори Чирчиқ туманида ҳам шундай оилаларга қўшимча ёрдам бўлсин, деган мақсадда 2 киловаттлик қуёш панеллари ўрнатиб берилган. Қурилманинг захира тўплайдиган аккумуляторини ўрнатиш эса хонадон эгаларининг ўз ихтиёрида. Шу боис, гарчи улар ҳозирча давлатга электр токи сотмаётган бўлса-да, ўз эҳтиёжларини қоплаб, электр токига тўлаб келаятган харажатларини сезилари даражада тежайди. Бутунлай халос бўлмаганининг сабаби эса, қуёш панели аккумулятори бўлмаган вақтда умумий электр тармоғига улаб фойдаланилади, электр токи ўчиб қолса, у ҳам ишлашдан тўхтабди. Кечқурун ҳам ток ишлаб чиқармайди.



ишларда ишлаб келади. Бир муддат ишсиз ҳам юрди. Яқинда маҳалла кўмаги билан сартарошлик ишини қайта бошлади. Хонадонда 10 сотихдан ортқ томорқа бор. Ҳоқимлик аввалга иссиқхона қуриб бериш таклифини берган. Аммо унда ишлайдиган одам бўлма-

ИШДА ҲАМ, УЙДА ҲАМ ЭКОЛОГИЯ ҲИМОЯЧИСИ

Ҳамкасбарим билан автомобилда кетаётган шунга ҳаёдан ўтди. Биз йўл олган манзил — Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида 233 та хонадонда қуёш панели бор экан. Шундан 44 та кам таъминланган фуқаро хонадонига ҳоқимлик ва ҳомийлар томонидан 2,26 киловаттлик панел ўрнатиб берилган. Ҳудуддаги кичик саноат зонасида қуёш панеллари ишлаб чиқарадиган корхона ҳам ишлаб турибди. Туман ҳоқимлигининг молия-иқтисод ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича бош мутахассиси Азамат Қувондиқов бир кунга мўлжалланган кичик сафаримизни ана шу маълумотларни беришдан бошлади.

батарейаси кундузги ёруғликдан электр токи олади, қоронги вақтда эса ток ишлаб чиқармайди ва етказиб бермайди. Фақат батареяга қўшимча сифатида харид қилинадиган аккумулятор ҳисобига электр захирасини йиғиб, уни инсталган вақтда ишлатиш ва давлатга сотиш мумкин. Аккумулятор бўлмаганда эса қуёш панелининг ишлаши умумий тармоққа боғлиқ бўлади, чироқ ўчса, у ҳам ишлашдан тўхтабди. Шу боис, мен 2 та аккумулятор қўйганман, унинг захираси 3 соатга етгепти. Яна қўшимча аккумулятор олсам, захира кубвати янада ортади. Уйимиз 5 хонадан иборат, бир неча электр жиҳози ишлаб туради, сув иситиш аппаратлари бор, лекин барча ёриткичларимиз энергиятежамкор бўлгани учун электр токига бўлган кунлик эҳтиёжимиз у қадар катта эмас, 3,5-4 киловатт. Қуёш панели эса соатига 2 киловатт электр энергияси ишлаб чиқаради, демек, 8 соатда 16 киловатт захира тўпланади. Бу истеъмолимиздан 4-5 баробар кўп дегани. Шу боис, ноябрь ойидан бошлаб эҳтиёжимиздан ортаган электр токини давлатга сотишни йўлга қўйдик. Электр тармоқлари корхонаси билан шартнома имзолаганимиз, фақат интеграция ишлари қолган. Айтишларича, қуёш панели ишлаб чиқарадиган электр токини биз давлатга электр учун тўлайдиган нарҳдан бир неча баробар қимматга сотиб олишадими. Чиндан шундай бўлса, қуёш панели ўрнатган одамларга бу катта қулайлик туғдириб, қўшимча даромад бўлади.



ташиш билан шугулланади. Корхона шартнома асосида аҳоли хонадонлари, юридик ва бюджет ташкилотларига хизмат кўрсатади. Жами 16 та махсус техника ва самовсал жавдал асосида ҳафтада бир марта тўпланган чиқиндиларни олиб кетади.

Чиқиндилар тумандаги "Булоқбоши" МФЙдаги корхонага тегишли полигонга олиб бориб тўкилади, — дейди Дониёр ака. — Ундан олдин эса чиқиндилар сараланиб, қоғоз, пластмасса, темир, полиэтилен кабиларга ажратилади. Афсуски, бизда чиқиндиларни қайта ишлаш ривожланмаган. Бу борада энди қадамлар ташланапти. Шу бўйича тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан биз каби тадбиркорларга ҳам қўшимча имтиёзлар берилмапти. Чиқиндиларни саралаш босқичидан қайта ишлашга ўтишимиз керак. Аллақондон бунинг вақти келган. Охири вақтларда хонадонлардан чиқинди кўп чиқяпти. Етти йилдан буён шу соҳада ишлайман, 3 йил олдин ҳам бундай эмасди. Ҳозир чиқинди чиқариш 2 баробар ортаган, уларни полигонга сиғдириб бўлмаяпти. Бу аҳолининг турмуш даражаси яшилгани билан ҳам боғлиқ экани қувонарли албатта, аммо чиқинди табиат ва экология учун зарарли. Бундай шароитда чиқиндини қайта ишлашни фаол йўлга қўйиш керак. Биз ҳам бу борада ҳаракатни бошлаганимиз. Жорий йилнинг 3-чорагида чиқиндиларни қайта ишлашни йўлга қўймоқчимиз. Бунинг учун Туркия ва Хитой билан шартнома имзолаган, улардан чиқиндини қайта ишлаб, нефть ва газ маҳсулотини ишлаб чиқарадиган махсус техникалар олиб келинади. Бу технология Ўзбекистон шароитида янгилик бўлиб, ушбу йўналишда юқори самарадорликка эга эканини ўргандик.

Суҳбат сўнггида Дониёр ака қайси газетадан эканимизни яна бир бор сўради. Бошида ҳаяжон сабаб унчалик эътибор бермагандир, дея таъкирладим. "Ҳа, эсимда, "Янги Ўзбекистон"нинг биринчи сони 2020 йилда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга мурожаатномаси билан чиқа бошлаганди. Ўқиб бораман газетани", деди тадбиркор хотиржам. Аввалга ҳайрон қолдим, кейин хурсанд бўлдим. Ахир ҳозирги илгор тадбиркорларнинг кўпи шундай, кўпроқ ўқиб-ўрганишга, янгилик қилишга интилади. Улар замонамиз қаҳрамонларига айлангани боиси ҳам шунда бўлса керак.

Бу борада ўтган йил 1 апрелдан юртимизда жорий этилган "Қуёшли хонадон" дастури аини мудида бўлди. Мазкур дастур 2023 йил 16 февралда қабул қилинган "2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежамчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори билан ишга тушди. У аҳоли хонадонларига кичик қувватли қуёш панеллари ўрнатишни рағбатлантиришга қаратилган бўлиб, қатор имтиёзлар назарда тутилган. Жумладан, жисмоний шахслар қуёш панелларини 3 йил муддатга фозисиз, бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олиши, тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитдан фойдаланиши мумкин. Бунда 5 киловаттгача бўлган қисмига бўлиб-бўлиб тўлаш имтиёзи берилди. Шунингдек, қуёш панели ёрдамида хонадонини электр энергияси билан таъминлаган жисмоний шахслар 3 йил, тадбиркорлик субъектлари эса 10 йил давомида ер ва мулк солиғидан озод этилади. Асосийси, қурилмани ўрнатгандан кейин хонадон соҳиби электр таъминоти корхонаси билан электр энергиясини сотиш бўйича шартнома имзолаш ҳуқуқига эга. Яъни юқорида таъкидлаганимиздек, ўз уйига қуёш панели ўрнатган фуқаролар эҳтиёжидан ортаган қисмини давлатга сотиб, қўшимча даромад қилиши мумкин.



яшовчи Дениз Шокиров. — Шундай бўлса-да, кун давомида электр токига кетадиган харажатларимизни иқтисод қиламиз. Бу ҳам катта ёрдам. Яна солиқ тўловларида ҳам имтиёзлар бўлиши, қуёш панелига аккумулятор ўратсак, давлатга электр токи сотишимиз ҳам мумкинлигини айтишди. Қурилмадан фойдаланишда қийинчилик кўрмадик, вақтида устини тозалаб турсак бўлди, ишлабвераркан. Ушбу оила боқувчисини йўқотганлик бўйича "Темир дафтар" рўйхатида туради. Алтнай опа Давлетова 2009 йилда турмуш ўртоғи вафотидан сўнг 2 боласи билан ёлғиз қолган. Шу вақтгача турли норасмий

гани боис, оила бунга рад этди. Шундан сўнг қуёш панели ўрнатиб берилди. Дениз оиланинг тўнғич ўғли. Тошкент давлат транспорт университети талабаси. Шартнома асосида ўқийди. Контракт пулини тўлаш учун ҳам ўқиб, ҳам ишлайди. Онаси ишда бўлгани сабабли, бизни ўзи қутиб олди. Қуёш панелидан фойдаланиши яхши эканини айтди. Аммо бир муддат олдин қандайдир техник носозлик бўлиб, ишлаб чиқарувчилар қурилманинг бир қисмини тазтиғишга олиб кетишгани ва ҳалигача олиб келишганини ҳам яширмади. Электр токи харажатини тежайтган оилга бу дарров билингани тайин.

ДАВЛАТГА СОТИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Шокаримовлар хонадонига ҳам 2 киловаттлик қуёш панели ўрнатиб берилган. Уларнинг уйига киришимиздан мақсад ҳам шу эди, аслида. Қурилма декабрь ойида ўрнатилган. Хонадонда 9 та хона борлиги, кундузи зарур бўладиган электр энергияга бўлган эҳтиёжни қуёш панели тўлиқ қоплаётганини айтишди.

Қуёш панеллари ўрнатган аҳоли нафақат ўзи, балки мамлакат иқтисодиётининг ҳам барқарор ўсишига муносиб ҳисса қўшади. Юртимизда экология учун зарарсиз бўлган муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини ортади. Шу боис, давлат бу борада фуқароларни рағбатлантиряпти. Масалан, эҳтиёжидан ортаган қисмини электр тармоқлари корхонасига сотиб даромад қилганда, жисмоний шахслар томонидан ҳеч қандай солиқ тўланмайди. Айтиллик, хонадон эгаси 1 кВт/соат электр энергия-

учун хонадонимда электр токи истеъмоли катта. Шунга қарамай, эҳтиёждан ортаган қисмини сотишни бошлаганимиз. Кейинчалик қуёш панели кубватини 50 киловаттга олиб чиқиш ниятим бор. Шунда ойига 700-800 доллар даромад қилар экман. Бунинг "Soliq.uz" дастуридаги шахсий кабинетимдаги жадал асосида ҳисоблаб чиқдим. Умуман, бу аҳоли учун яхши даромад манбаи бўла олади. Ҳозир дунёда яшил энергетика ривожланиб, унга эҳтиёж ҳам ортиб борапти. Касбим тақозоси билан Украина, Россия давлатларидан ҳам буюртмалар



— Бу қуёш панели 2 киловатт кубватга эга бўлиб, уни ўрнатиш харажатлари жами 19 миллион сўмга айланди, — дейди Дониёр Давутбеков. — Қурилмани кредит асосида сотиб олдим, давлат томонидан белгиланган субсидиядан ҳам фойдаландим. Гап шундаки, ўтган йилги аномал совуқда электр токи билан боғлиқ узиллишлар кўпчилик қатори бизни ҳам қўйнади. Шундан сўнг ўзимизда доим захира бўлсин, деган мақсадда қуёш панели олишга қарор қилдик ва июнь ойида уни ўрнатдик. Қурилмага 15 йилга кафолат беришган. Фойдаланишда ортиқча харажат, қийинчилик йўқ, мутахассисларнинг ўзи ҳар йили келиб, техник кўриқдан ўтказиб бериб, нуқсонли қисмлари алмаштирилган экан. Қуёш

Қуёш панелларининг яна бир афзаллиги, экология учун зарарсиз эканида. Иқлим ўзгаришлари ва унинг оқибатлари муаммоси қаршимизда турган бир вақтда, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, электр токи ишлаб чиқаришдаги зарарли таъсирларни камайтириш муҳим вазифага айланиб борапти. Дониёр ака билан суҳбатлашимиз асосида яна бир қизиқ маълумотга эга бўлдик. Бу киши тадбиркорлик билан шугулланар экан. Қизиги, фаолияти ҳам бевосита экология ва аэроф-муҳит ҳавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ. Яъни тадбиркор раҳбарлигидаги "Zero Waste" МЧЖ филиали 140 мингдан ортқ аҳоли истиқомат қиладиган Юқори Чирчиқ туманида маиший чиқиндиларни

ЁРДАМДАН ҚУВОНГАН КЎЗЛАР

Камбағаллик айб эмас. Аммо ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин, у бизга қандай синовларни тайёрлаганини билмаймиз. Қийналиб қолган одамга узатишдан қўл, кичик ёрдам эса унинг кўнглини осмон қадар кўтариб юбориши мумкин. Ёлғиз эмаслигини, ноилж қолганини ҳис қилади. Қайта оёққа туришга куч топади.

Биз борган кейинги манзилда чинакам қаҳрамон аёлни кўрдик. Бу аёл оилама ҳам, катта тадбиркор ҳам, олашмулмул ихтиро эгаси ҳам эмас. У шунчаки, оддий ва жуда ҳокисор аёл. Қорасув маҳалласида уни кўпчилик яхши танийди ва ҳурмат қилади. Нафақаданги Насиба Шокаримова мана, неча йилдирки, оиласидаги имконияти чекланган яқинларига гамжўрлик қилади. Хонадоннинг асосий боқувчиси ўзи ва



Шундай одамларни кўрганда инсоннинг дили яйрайди, ҳаётнинг мазмунини чуқурроқ англагандек бўлади, шукр қиладим.

Шокаримовлар хонадонига ҳам 2 киловаттлик қуёш панели ўрнатиб берилган. Уларнинг уйига киришимиздан мақсад ҳам шу эди, аслида. Қурилма декабрь ойида ўрнатилган. Хонадонда 9 та хона борлиги, кундузи зарур бўладиган электр энергияга бўлган эҳтиёжни қуёш панели тўлиқ қоплаётганини айтишди. Маҳалла мутасаддилари имконини қилиб ёки ҳомийлик асосида панелга аккумулятор олиб бериш ҳақида ҳам сўз очилди. Насиба опа хурсанд бўлди. Хонадон ўз эҳтиёжидан ортаганини давлатга сотса, ҳарна қўшимча даромад бўлади-да. Ўзи аҳолига ёрдам асосида берилган қуёш панелларининг аккумуляторини йўқ экан, чунки бу назарда тутилмаган. Суриштирганимизда аккумуляторнинг ҳар бири ҳозирги бозор нарҳида 1 миллион сўмдан ошшини айтишди. Уни олиш ёки олмаслик фуқаролар ихтиёрида. Бир томони, аккумулятор бўлмаса, қуёш панелининг ишлаши умумий тармоқдаги электр токига боғлиқ бўлади. Шу боис, ўзимиз кырган хонадонлар эгаларидан ҳудуддаги электр таъминоти қандай экани, тез-тез ўчиш ёки ўчмаслигини ҳам суриштирдик. Энг қизиғи, саволимизга одамларнинг барчаси, "йўқ, ҳозир давлат "свет"ни ҳам кўп ўчмаяптику, баъзан таъмирлаш вақтида бир неча соатга ўчади, шунда ҳам оғохлантиришадим", деган жавобни берди. Авваллари электр токи ўчиши ҳақида гап кетса, бирданга норозиликлар бошланиб, одамлардан мунтазам узиллишлар ҳақида эшитганимиз учунми, бу ҳолат бизни бир оз ҳайрон қолдирди. Бошқа томондан, соҳадаги ислохотлар ҳаётда самара бераётгани ва бунинг одамларнинг ўзи эътироф этаётгани ҳам қувонарли.

турмуш ўртоғи. Ҳозир иккови ҳам нафақадан. Оилада эса 5 нафар имконияти чекланган инсонлар бор. — Ҳаётимдан нолмайман, Аллоҳимнинг шундай синовлари бор экан, ҳар қандай ҳолатда ҳам йиғламадим, — дейди Насиба опа кулги билан кўзларидан дари яширишга уриниб. — Турмуш ўртоғимнинг акиси вафот этгач, 2 нафар ногирон фарзандига ўзимиз қараямиз. Утган йили 71 ёшли опамни ҳам уйимизга олиб келдик, имконияти чекланган. Қизлари ва набиралари ҳам ногирон. Аллоҳга шукр, биз соғмиз ва ногиронларга қарашга оғринмайман. Шу вақтгача бўш қолган, ногиронларнинг нафақасига қараб ўтирган аёл эмасман. Тикиш-бичиш қилиб, рўзгор тебратишда турмуш ўртоғимга ёрдам бериб келганман. Уч қизимиз бор, уларни турмушга берганимиз. Узимиз энг бахтли инсонлардан бири, деб биламан. Утган йили 21 мартда Президентимиз кўрсатган ташаббус билан бепул умра зияратига бордим. Бу мен учун жуда катта муқофот.

Ҳар гапда шукрона айтаётган Насиба опани ташқаридан кўрган киши бирор ташвиши бўлмаса керак, деган хаёлга боради. Балки бу аёл ҳар кун имконияти чекланган инсонларга қараб, соғ-саломат яшашнинг ўзи катта неъмат эканини аңлар. Ҳар ҳолда, мутасаддиларга ҳам бирор камчиликдан сўз очмади, ҳаётиндан нолмади. Аксинча, уйда ҳамма нарса борлигини айтиб, қайта-қайта меҳмонга таклиф қилди.



сина давлатга 1000 сўмдан сотади. Агар хонадонга 5 кВт кубватли қуёш панеллари ўрнатилса, қуёш станцияси ойига ўртача 750 кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Фуқаролар томонидан сотилган электр энергияси учун маблағ эса давлат томонидан ҳар ой "Soliq.uz" мобил иловаси орқали фуқароларнинг банк пластик карталарига ўтказиб берилади. — Ўзим электротехникаларни дастурлаш соҳасида ишлайман. Қўшимча даромад олишга қизиқиб, хонадонимга 8 киловатт кубватли қуёш панели қўйдим, — дейди "Қорасув" МФЙда яшовчи Беход Собитов. — Уни ўрнатиш харажатлари иш ҳақиқдан ташқари, 60 миллион сўмга айланди. Ҳозир қуёш панели яхши ишляпти, асосан, эҳтиёжим учун фойдаланялман. Касбим энергетика билан боғлиқ бўлгани

оламан. Қузатганимда кўрдимки, уларда биздаги каби имтиёзлар йўқ. Масалан, у ерда давлатдан электр токини қанчага сотиб оلسа, сотиш нархи ҳам шундай. Бизда эса аҳолидан электр токини 2-3 баробар қимматга сотиб олиш таклиф этиляпти. Агар тизим аниқ, шаффоф ишласа, бу одамлар учун катта рағбат бўлиб, қуёш панеллари ўрнатиш кўрсаткичини янада оширади. Очиги, хонадон эгаларини тинглаб, бизда ҳам қуёш панели ўрнатишга қизиқиш пайдо бўлиб қолди. Бу борадаги саволларга ҳам жавоб топдик, иккиланишлар йўқолди. Ахир она диёримизда йил ўн икки ой қуёш беминнат нурини сочар экан, ундан фойдаланиш орқали ҳам харажатларни камайтириш, ҳам экологияни асрашга ҳисса қўйишнинг ёмон томони бўлмас керак. Сиз нима дейсиз, қадрли муштарий?



Мулоҳаза

БАРЧА ИЛЛАТЛАРНИНГ ДОЯСИ — *ЛОҚАЙДЛИК*



Рақибжон ЖУМАНИЁЗОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ўзбек тилининг нуфузи ва мавқени тубдан ошириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, Ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиларига ҳам халқаро сертификатга эга бўлган бошқа фан ўқитувчиларидан кам бўлмаган микдорда қўшимча ҳақ тўланиши, миллий сертификатга эга бўлган Ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиларига келгуси ўқув йилдан бошлаб 50 фоиз устам берилиши, ўзбек тилидан бошқа тилларда таълим олган ҳамюртларимизни давлат тилини ўрганишга рағбатлантириш бўйича алоҳида механизм жорий этилиши, ўзбек тилидан бошқа тилларга ихтисослашган мактабларда давлат тилини ўқитиш соатлари

Биз она тилимизнинг имкониятларидан, ифода воситаларидан унумли ва ўринли фойдалана олсак, тарғиботнинг таъсирчан кучидан фойдалана оламиз. Бунинг учун тилни шунчалик ўрганиш эмас, балки унда яшаш, нафас олиш керак. Тилимиздан, таъсирчан нутқдан фойдаланиш асосида уни ўзимизга қарши қурол сифатида истифода этадиган ёт ғоя тарафдорлари ҳам борлигини унутмаслик зарур. Шунинг учун ҳам таълим-тарбиянинг, мулоқот ва муомаланинг, тарғибот ва ташвиқотнинг таъсирчан механизми бўлган тил масаласи, нотиклик маҳоратини эгаллаш муҳим вазифадир. Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, албатта, билим ва заковатни талаб этади. Шунинг учун ҳам юқоридаги йиғилишда “Биз бугунги кескин шароитда

Шунингдек, ўша йиғилишда бугунги кунда ижтимоий тармоқлар орқали асосан четдан, баъзан, ҳатто мамлакатимизнинг ўзида ҳам Конституция ва қонунларимизга зид позициялар илгари сурилаётгани, жумладан, диний эътиқод нуқибони остида ёшларни маърифатга эмас, жаҳолатга ундаш ҳолатлари пайдо бўлаётгани таъкидланди. Бундай вазиятда жамиятимизда жаҳолатга қарши маърифат билан курашишни кучайтириш, эҳтиёткорлик ва оғоҳликни ошириш лозим. Бу ноҳуш ҳолат менинг кўчамда эмас, бизнинг маҳаллада эмас, дейиш бефарқликдир. Лоқайдлик эса барча иллатларнинг дояси.

Машҳур файласуфлардан бирининг ушбу мулоҳазаси бежиз айтилмаган: “Душманлардан қўрқма, нари борса, улар сени ўлдирishi мумкин. Дўстлардан қўрқма, нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ, улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим туриши туфайли ер юзиде хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади”.

Президентимиз маънавият ва маданият соҳаси учун методик асос бўлиб хизмат қиладиган миллий ғоямизни ривожлантириш бўйича алоҳида дастурий ҳужжат ишлаб чиқиш лозимлигига ҳам эътибор қаратди. Чунки миллий ғоя — ҳимоямиз, ҳимоямиз эса ғоямиздир. Ғоя — чироқ, мафкура — маёқ. Уларсиз ҳаракат кўзи боғланган ҳолда йўл тополмаётган кимсанинг тентирашига ўхшайди.

Баъзи гуруҳлар орасида диний қарашларни Конституция ва қонунларга қарши қўйиш, дунёвий қадриятларни менсимаслик ҳолатлари афсус билан қайд этилди. Бу ўринда Ибрат домланинг “Уламо ғайрат этканда миллат, албатта, ислоҳ топув”, деган ҳикматли сўзлари ёдга олинди. Зиёлилар, нурунийлар, ҳаж ва умрага бориб келган юртдошларимиз маънавият тарғиботчиси бўлиши, одамларни яхшиликка бошлаши кераклиги айтилди. Бу вазифалар ижроси ҳам юқорида таъкидлаганимиздек, ўз-ўзидан тарғиботнинг таъсирчан механизми — тилга, маърифатга боғлиқ.

Маданий-маърифий соҳадаги ишларда ҳокимларнинг масъулияти янада оширилиши, туман ва шаҳарларда Маънавият ва маърифат масканлари ишга туширилиши таъкидлаб туриб: “Бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак”, деди давлатимиз раҳбари.

Бошқа соҳаларга нисбатан олдинда юриш кенг қамровли билимга, етук дунёқарашга, юксак маънавиятга эга бўлган тарғиботчини шакллантиришни тақозо этади. Шунга эришсак, соҳадаги сифат, самара ва натижа кафолатланади.

Олтин қанотлар



МАҚСАДЛАРИМ ЮТУҚЛАРИМДАН ЮКСАК Ўзбекистонлик энг ёш IELTS 9,0 соҳиби ҳикояси

Сухроб Муродов самарқандлик. 2004 йили Булунгур туманида туғилган. У бугунги кунда Ўзбекистондаги С2 сертификатини қўлга киритган санокли юртдошларимиздан бири. Бу IELTSда 9,0 балл дегани. Эътиборли жиҳати, Сухроб бу кўрсаткични 17 ёшида қайд этган. Айни пайтда Жанубий Флорида университетининг бухгалтерия йўналиши 2-босқичида тахсил олаётган юртдошимиз ютуқлари ва мақсадлари ҳақида гапириб берди.

— Одатда IELTSдан 9,0 даражага талабдорлар 15-20 йиллик тажрибага эга ўқитувчи-инструкторлар бўлади. Шу ўринда бу ўзига хос машаққат экани равшанлашади.

IELTSдан 9,0 олиш, бу — имтиҳонда ҳеч қандай хато қилмади, дегани. Чунки битта хато ҳам даражани тушириб юбориши мумкин.

Инглиз тилига қизиқиш болагимдан бошланган. Уйимизда кичкина китобча бўлиб, унда дунёнинг ТОП университетларида ўқиган машҳурлар ҳақида ҳикоя қилинар эди. Айнан шуларга ҳавас инглиз тилини ўрганишимга сабаб бўлган.

2019 йилдан инглиз тилини чуқур ўрганишга киришдим. Бироқ кўп ўтмай карантин бошланиб қолди. Даражам банд бўлмагани боис, бошида бир оз бошим қотди. Бу вазиятда ўзим мустақил ўрганишдан бошқа чорам йўқ эди. Танишларимдан принтер топиб келиб, керакли ҳамма қўланмаларни чиқариб, инглиз тилини мустақил ўрганишга шўнғиб кетдим.

Кунига 12-13 соатлаб дарс қилар эдим. Инглиз тилида суҳбатлашишга одам бўлмагани учун ойнага қараб, ўзим билан ўзим гаплашиб, машқ қилганман.

Карантин тугагач, яна ўзим ўқиган ўқув марказига қатнай бошладим. Айнан шу пайтда Ўзбекистонда илк марта С2 Proficiency имтиҳони ўтказилаётган эди. Мен ҳам бу имтиҳонда қатнашиш учун рўйхатдан ўтдим. Имтиҳон кунини босам, залда ўтирган 40-50 кишининг ҳаммаси ёши катта ўқитувчилару устозлар. Энг ёши ўзим эканимдан бир оз таажубландим, бироқ жавоблар чиққандан кейин билдимки, имтиҳон топширганлардан санокли кишигина бу сертификатни қўлга киритибми.

Бу сертификатнинг даражаси IELTSдан 9,0 га тенг саналади. Шу сабабли IELTSга имтиҳон топширган эканман, менда 9,0 даража оларимканман, деган эмас, мен 9,0 олишим керак, деган ишонч устун эди.

Натижа фақат меники, дея олмайман. Бунинг ортида, аввало, Яратганининг марҳамати, кейин эса ота-онам ҳамда устозларимнинг катта кўмаги бор. Отам менга ҳар доим керакли шароитларни яратиб берган бўлса, онам энг асосий мотиваторим эди. У ҳар доим ёнимда туриб, “Удалайсан, қўлингдан келади”, деб турмаганида, балки бугун вазият бутунлай бошқача бўларди.

Ҳозир дунёнинг ТОП-50 талигига кирувчи Жанубий Флорида университети талабасиман. Ўқийдиган ҳам ҳар доим яхши натижа учун ҳаракат қилиман. 18 миң километр узоқдаги мамлакатдан келиб, маҳаллий талабалардан кўра, аъло баҳоларга ўқитганим ўзимга ҳам фахр хиссини беради.

Университетимизда яқинда янги ҳамжамият ташкил этилди, унинг асосий вазифаси катта инвестицион лойиҳаларни олийгоҳда туриб симуляция қилиш. Мен ҳам ушбу жараён иштирокчисиман. Университетнинг 50 миллион доллар қийматдаги фонди бизнинг қўлимизда, биз уни инвестициялар киритиш ҳамда акциялар сотиб олиш орқали кўпайтиришга ҳаракат қилияшимиз. Менинг бундаги вазифам — молиявий таҳлилчилик.

Шунингдек, ўқишдан ташқари бизнес консалтинг бўйича дунёнинг энг кучли турғаллигига кирувчи “Делойт” компаниясида стажировка ўтайман. Бу мен учун жуда катта тажриба майдони.

Келажақдаги мақсадларим — ўқиш ҳамда стажировка давомида шу компаниялар тажрибаси, услубларини яхши ўрганиб, барчасини таҳлил қилиб, Ўзбекистонда ҳам шундай катта компания очиб ҳамда лойиҳамни жаҳон бозорига олиб чиқиш. Умид қиламанки, буларнинг барчасини удалай олам.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Жонибек АЛИЖОНОВ ёзиб олди.

Дарҳақиқат, маънавият доим юқорида туради. Маънавиятнинг илдамлиги, унинг байроқ ва маёқ экани, бошқарувчи кучини ҳис этмаслик мумкин эмас. Бугун жаҳон миқёсида тараққиёт суръатлари мисли кўрилмаган даражада шиддатли тус олмақда. Айни вақтда азалий қадриятлар, ижтимоий-сиёсий қарашлар тизимида чуқур трансформация жараёни юз бермоқда.

Пойтахтимизда ўтказилган “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги конференция ҳам шу маънода катта аҳамият касб этгани рост. Бу борада давлатимиз раҳбарининг маърифатпарвар аждодлар мероси бугун биз кураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши ҳақидаги ушбу мулоҳазалари муҳимдир: “Бу кимгадир ёқадими ёки йўқми, халқимиз жадид болаларимиз кўрсатиб берган йўлдан олиш-



ғоявий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёрми? Ёш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб бераётми?” каби кескин саволлар ўртага ташланди.

Тан олиш керак, ёт ғоя тарафдорларининг “ёқимли” ва “юқумли” сўзлари таъсирига тушиб адашган ёшларимиз фожеасида тарғиботнинг таъсирчан механизми бўлган коммуникатив компетенцияни, нотиклик санъатини чуқур эгалламаганимизнинг таъсири бор. Бу аччиқ ҳақиқат, албатта. Мағбуот нашрлари, телевидение, радиога таълимий-тарбиявий тарғибот жараёнини эълол олмаётганимиз афсусларни ҳолдир. Турли сериаллар билан, олди-қочди кўрсатувлар билан уларнинг вақтини, ақлини банд қилишдан воз кечиш фурсати етди, назаримда. Ижтимоий тармоқлардаги турли ноҳуш, салбий ҳаракатларга ўз вақтида жавоб берадиган, саррагини саракка, пучагини пучакка ажратадиган билим, идрок ва нутқ соҳиблари сув ва ҳаводек зарур.

Машҳур файласуфлардан бирининг ушбу мулоҳазаси бежиз айтилмаган: “Душманлардан қўрқма, нари борса, улар сени ўлдирishi мумкин. Дўстлардан қўрқма, нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ, улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим туриши туфайли ер юзиде хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади”.

май бориши керак. Чунки уларнинг ғоя ва дастурлари Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳаммагандир”. Ҳақ гап. Шунинг учун ҳам Бухородаги тарихий масканда Жадидлар мероси давлат музейи очилиши ва “Жадид” номи янги газета ташкил этилиши ҳақидаги хушхабарни ҳамма олқишлади.

2-3 қарра кўпайтирилиши, ўзбек тили бўйича халқаро фан олимпиадаси ўтказилиши, ғолиб ва совриндорлари пул мукофоти билан тақдирланиши ҳамда олийгоҳларга ўзбек тили филологияси йўналиши бўйича давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиниши масаласининг алоҳида ургуланиши халқимизни бахтли ва рози қилиш борасидаги кутлуг қадам бўлди.

Ислоҳотлар — амалда

СИНОВЛАРДАН СИЙЛОВЛАРГА ЙЎЛЛАНМА



Миразиз МИРСУЛТОНОВ, Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи

Ёшлар билан ишлашнинг ҳам ўзига яраша гаши, сурури, гоҳ мунозарали, гоҳ мулоҳазали томонлари бор. Аммо уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ихтидорни ва салоҳиятини тўлақонли юзага чиқариши, ўқиши, касб-хунар эгаллаши учун кўмаклашиш зарур. Бу борада кенг имкониятлар очилаётгани ҳам айни ҳақиқат.

Ўтган йили Тошкент вилоятида ёшлар билан индивидуал ишлаш тизимини жорий этиш учун 14-30 ёшдаги 654 миң 215 нафар ёш фаолияти таҳлил қилинди. Улар уч тоифага ажратилиб, тарбияси оғир ва алоҳида ишлаш зарур бўлган ёшлар турли даражадаги ташкилот-муассасалар раҳбарларига индивидуал бириктирилди. Натижада ёрдам кўрсатилиши зарур бўлган 20 миң 504 нафар ўғил-қизнинг барчасига амалий кўмак берилди.

Ойбек Окқўрғон тумани Кўрғонтепа маҳалласида яшайди. У ёшлиқдан темирчилик билан шугулланган. Ҳаётнинг турли синовлари, тақдирнинг қутилмаган зарбалари бор. Бу синовлар инсон бошига тушиши, уни эсанкиратиб қўйиши мумкин. У шундай ҳолдан қўқониб қолган. Унинг 5 май кунини Окқўрғон туманидаги “Ишга марҳамат” мономарказида Тошкент вилояти ҳокимига бириктирилган ёшлар билан ўтказилган учрашувда вилоят раҳбарига муаммоларини айтган ва амалий ёрдам олганлардан бири. Ойбекнинг бошига тушган ҳамма синов орда қолиб, пробация рўйхатидан чиқарилди.

Белни маҳкам боғлаб, ҳаётда ўз ўрнини топиш, режаларини бажаришга жиддий киришди. У бошлаган хайрли ташаббуслар маҳалласида кенг қулоч ёйди. Бугун у нафақат ўзи, балки қўшниларининг ҳам томорқасида деҳқончиликни йўлга қўйиб, мўл ҳосил, мўмай пул топмоқда. Темирчиликни ҳам ташлаб қўйгани йўқ.

Президентимизнинг “Маҳалларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ёшлар билан ишлаш йўналишидаги сазой-ҳаракатларни янги босқичга кўтарди. Қарор асосида ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди. Айни пайтда Тошкент вилоятидаги 1025 та маҳаллада ёшлар етакчиси самарали фаолият юритмоқда. Улар тендошларини қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга қаратилган амалий ишлар билан машғул. Жумладан, ёшларнинг раҳбарларга бириктирилиши ҳамда ёшлар етакчилари қилаётган ишлар, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни қўллаб-қувватлаш, мурожаатларини алоҳида



назоратта олиш борасидаги чора-тадбирлар ижобий натижа бермоқда.

Яна бир ҳаётий мисол. Чиноз туманида яшовчи Зоҳиджон Дадабоев тиришқоқ ва ўз устида ишлайдиган йиғит. Тақдир экан, у эшитиш ва гапириш қобилиятидан маҳрум. 2021 йили ишлагани Россияга кетди. Бундан хабар топган маҳалладаги ёшлар етакчиси унга қайтиб келишини ва қизиқишига қараб, ёрдам беришини айтди. 2022 йил октябрда Зоҳиджон миграциядан қайтди. У яшайдиган “Бирлик” маҳалла фуқаролар йиғинидаги

ишлаб, 5 миллион сўмдан зиёд маош оляпти. Бундай мисоллар кўп. Муҳими, ҳаммасига ечим топилапти. Мураккаб тақдирли ҳар бир ёшнинг орзу-мақсадига эришиши учун имкониятимиз бор.

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг яқинда ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида илм-фан, таълим-тарбия, маънавият масалаларида жон куйдириб айтилган сўзлар барчамизнинг юрагимизга қадар етиб келди. Ёшлар орасида маънавият масаласи мунтазам кун тартибда туришининг зарурати ва аҳамиятини тўла ҳис этдик. Қолаверса, маънавиятнинг, маърифатнинг қарор топтириш мақсадига ҳайбаракаллачилик, ҳўжақўрсин тадбирлар ўтказиш орқали эришиб бўлмаганига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Чунки ҳозирги ёшларнинг тафаккур тарзи бутунлай янги. Шу боис, маънавий-маърифий тарғиботнинг янги усулларидан фойдаланишигина иш беради. Эскича сулда ёшларга маънавиятни ўқтираман, деган ва шунга уринган одам маблагни ҳам, вақтни ҳам беҳуда совурган бўлади.

2024 йилнинг мамлакатимизда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб номлангани барча қатори Тошкент вилояти ёшларини ҳам қувонтирди, шунингдек, елкамизга катта масъулият юклади. Бу каби имкониятлар катта ҳаётга кириб келаётган йиғит-қизлар ҳаётига ўчмас из қолдириши шубҳасиз. Ўйлайманки, ёшлар билан бирга маррани банд олиб, бир ёқадан бош чиқариб, ишласак, натижа ҳам шунга яраша бўлади.



19 январь — Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллуд топган кун

Ўз замонининг илғор намояндалари бўлган жадидлар ғоят мураккаб ва қийин шароитда билим ва маърифат тарқатиш, таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ этиш орқали миллий тараққиётга эришиш ғояси билан майдонга чиқдилар. Шу мақсадда ўз маблағлари ҳисобидан мактаб ва театрлар, нашриёт ва кутубхоналар, газета ва журналлар ташкил қилдилар, қобилиятли ёшларни чет элларга ўқишга юбордилар. Уларнинг бу олижаноб ташаббус ва ҳаракатлари жамият ҳаётида кучли акс садо бериб, қудратли тўлқинга айланди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



“ТИЛДА, ФИКРДА, ИШДА БИРЛИК”

Бу маърифатпарвар жадидларимиз шиор қилиб олган эзгу ғоя эди



Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

XX аср аввалида жадидлар миллий ғояни ҳаёт-мамот масаласи сифатида кун тартибига кўйган эди. Қардош қрим-татар мутафаккири Исмоилбек Гаспирали 1895 йили “Ғоя” номли мақола эълон қилган. Унинг фикрича, “Халқлар ҳаётидаги барча буюк воқеаларнинг таг-заминида у ёки бу ғоя ётади. Энг улуг кашфиётлар, аввало, улар ҳақидаги орзу-ниятлардан бошланган. Ислоҳ ғоялари ярим дунёни бир ҳовуч араблар атрофига бирлаштирди. Москва атрофига бирлашув ғояси қудратли Россияни майдонга келтирди. Тенглик ва озодлик ғояси французлар мавқеини Европада сарбаланд қилди. Ғоясизлик-чи! Миллатни заифлаштирувчи, турғунликка — таназзулга олиб борувчи мана шу ғоясизлик, мақсадсизликдир... Ғоясиз халқлар ёлғиз шу куннинг, шу дақиқанинг манфаати, шу биргина қоринини тўқлаб олиш манфаати билан яшайди, ҳозиргидан бир неча марта яхшироқ ишламоқ ва яшамоқ мумкинлигини билмайди. Шундай экан, маорифга, тараққиётга интилишни ўз олдимишга вазифа ва орзу қилиб қўймоқ керак эмасми?!”

Ватанимизни дунёдаги ривожланган давлатлар, халқимизни мутараққий миллатлар ёнида кўрмоқ — жадидчилик ғоясининг асоси. Таъкидлаш керакки, бу — янги Ўзбекистонни барпо этиш ҳамда Учинчи Ренессансга эришиш ғояси билан ҳар жиҳатдан тўғри. Ушбу ғояни ҳаётга тағбиқ этмоқ учун жадидлар, биринчи навбатда, янги усулда таълим олган, оламда кечаётган сиёсий-иқтисодий жараёнлардан огоҳ, маърифатли ёшларни етиштирмоқ зарур, деб билган. Интеллектуал салоҳият мусобақасида дунё ёшларидан ўзиб кета оладиган, юксак маърифатли, ватанпарвар ва миллатпарвар авлодни тарбиялаб етиштириш бугунги куннинг ҳам муҳим

вазифаларидан. Давлатимиз раҳбари томонидан 2024 йилнинг “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилингани ҳам бунинг исботидир.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишида давлатимиз раҳбари мана бундай саволларни кун тартибига қўйди:

“...биз ҳозирги кескин шароитда ғоявий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёрми? Ёш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб бераётми?”

Мана, бугун маънавий-маърифий соҳада масала қандай ўткир ва кўндаланг бўлиб турибди. Булар оддий саволлар эмас. Одамни жиддий ўйлантирадиган, ташвишга соладиган саволлар. Агар биз бу ёруғ дунёда “Ўзбек”, “Ўзбекистон” деган номлар билан яшаб қолишни истайдиган бўлсак, бу саволларга бугун жавоб топишимиз ва уларни ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатларни айнан бугун бошлашимиз шарт. Эртага кеч бўлади”.

Дарҳақиқат, бу саволлар ҳар бир уйғоқ қалбли зиёлини ўйлантириши, ташвишга солиши, тафаккур юритишга ундаши керак. Бу масала чинакам миллатпарвар зиёлининг танидан ҳаловатни, кўздан уйқунни олиши лозим. Ёшлар тарбиясини бугунги зиддиятли давр талаблари даражасига кўтариш учун жадид боболаримиз ўғитларига қўлоқ туттишимиз, уларнинг фидойилигидан ўрнак олишимиз зарур. Туркiston жадидчилиги ҳаракати йўлбошчиси Маҳмудхўжа Беҳбудий фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади.

Жадидчиликнинг тамал тоши, дея эътироф этилган маориф ислоҳи жадидлар учун ҳаёт-мамот масаласи бўлгани аён. Негаки, илму маърифатда мутараққий мамлакатлар ёшларидан қолдирилган, оламнинг аҳволдан хабардор, янгиликка фидойиларидан авлодни тарбияламай туриб, миллатни таназзул гирдобидан тараққиёт соҳилига, инқироз зулматидан тамаддун ёруғлигига олиб чиқиш имконсиз эди. “Янги мактаб ғоясининг назарияси ва амалиётиси” (Беғали Қосимов таъбири) Маҳмудхўжа Беҳбудий фаолиятида таълим ислоҳоти масаласи концептуал аҳамиятга эга бўлгани сабаби шунда.

Устози Исмоилбек Гаспирали Туркiston мактабларида ўқитиш тизимини ислоҳ қилиш тақлифи билан генерал-губернатор барон Вревскийга мурожаат этган 1892 йилда Маҳмудхўжа Беҳбудий навқирон 17 ёшда эди. Демак, ёш Маҳмудхўжа қалбидан “усули савтия” мактаблари ғояси Исмоилбек Гаспирали таъсирида шаклланди. Кейинчалик саёҳатлари давомида таълим соҳасидаги дунё таърифи билан танишиш баробарида, Гаспирали билан бевосита учрашган, бу ғоя унинг ҳаётини аъмолига айланди. Беҳбудий ушбу ғояни Ватан мустақиллиги ва миллат тараққиёси мақсадларига йўналтирди. Бу жиҳатдан, у ўша даврда туркий дунёнинг энг машҳур сиймолиридан бирига айланган сир эмас. Туркiston жадидчилигини ўрганган немис олимаси Ингеборг Балдауф улуг маърифатпарварнинг бу борадаги фаолиятини “Маҳмудхўжа фаолиятининг ғоят ўзига хослигидан қатъи назар, у Қримда Гаспирали, Қозон татарларининг Қаном Носирийси, усмонли туркларининг Аҳмад Мидҳати сингари ўрта Осиёнинг халқ муаллими эди”, дея баҳолайди.



Беҳбудийнинг таълим ислоҳотида доир фаолияти икки йўналишда кечди: биринчиси, назарий ва иккинчиси, амалий. Улуг мутафаккирининг янги мактаб ғояси асосида уч концептуал масала туради: биринчиси, авлоднинг саводи ўз она тилида чиқмоғи зарурлиги, иккинчиси, таълим жараёнини замонга мослаштириш, яъни “усули ҳижо” ўрнига “усули савтия”ни жорий этиш, тахсил усулини янгилаш, учинчиси, мактабда эътиқодимиз асоси бўлган диний илмлар билан бир қаторда замон тақозоси ҳисобланган дунёвий фанларни ўқитиш ва бу орқали миллатнинг мутараққий халқлар даражасига юксалмоғига хизмат қиладиган салоҳиятли авлодни тарбиялаш.

Беҳбудий авлоднинг саводи ўз она тилида чиқмоғи зарурлигини миллий таълимнинг бош шартини, деб билди. Шу бонс, ўзи муҳаррир бўлган “Ойна” журналида тил масаласига асосий эътиборни қаратди. “Икки эмас, тўрт тил лозим” мақоласида



“Барча мадрасаларда шаръий ва диний китоблар арабий таълим берилса ҳам, мударрисларининг тақрири таржималари форсчадир. Бу қонда, яъни дарс китоби — арабий, муаллим — туркий, тақрири таржиманин(нг) форсийлиги хийла ажибдур”, дея она тилига эътиборсизликдан таажубланиди. “Тил масаласи” мақоласида улуг маърифатпарвар тил нозик масала экани, шунга кўра, унинг софлигини сақлашга чуқур мантиқ билан ёндашув зарурлиги ҳақида ёзади. Туркий халқларни ўзаро ҳамкорликка чақиради. Арабий ва форсийни имкон қадар камроқ қўллаб, тараққий этган туркий шевадаги илм-фан китобларини англашга саъй ва ғайрат этмоқ кераклигини таъкидлайди.

Бу муаммолар бугунги кунда ҳам аҳамиятини асло йўқотган эмас. Президентимиз ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш бўйича катта аҳамиятга эга ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, умумтаълим мактабларида ўзбек тилини ўқитиш самарасини ошириш, бунинг учун миллий сертификатга эга “Ўзбек тили ва адабиёти” фани ўқитувчиларига 50 фоиз устама тўланшини, бу мақсадлар учун 2024 йилда қўшимча 10 миллиард сўм, 2025 йилда эса 30 миллиард сўм маблағ ажратилишини таъкидлади. Бошқа тилларда таълим олган ҳамюртларимиз давлат тилидан махсус сертификатга эга бўлса, ўқиш ҳаражатлари давлат томонидан қоплаб берилиши, ўзбек тилидан ўзга тилларга ихтисослашган мактабларда давлат тилини ўқитиш соатлари кўпайтирилиши бу борадаги муҳим амалий ташаббуслардир.

Жадид боболаримиз таълим усулини замонга мослаштириш, яъни “усули ҳижо” ўрнига “усули савтия”ни жорий этиш, шунингдек, усули тахсил — ўқитиш методикаси масалаларига алоҳида эътибор қаратган. Маҳмудхўжа Беҳбудий фикрича, муаллим, биринчидан — олим, иккинчидан — ғайратли, учинчидан — усули тахсилдан хабардор бўлмоғи зарур. Жумладан, мутафаккир “Ислоҳи тахсил” мақоласида мана бундай ёзади: “Агар муаллимнинг ўзи ҳозирги аскар мактабдор ва мударрислардек камҳавсала ёнқи камил бўлса, ёнқи илми бўла туруб, усули тах-

силдан хабарсиз бўлса, ани(нг) шогирдлари нодон қолур”.

Аллома таълимни замон талабларига кўра, ислоҳ этмоқ учун дастурий аҳамиятга эга фикрларни билдиради. Унинг қарашича, замона уламаси турк билан туркча, форс билан форсча, араб билан арабча

Аллома таълимни замон талабларига кўра, ислоҳ этмоқ учун дастурий аҳамиятга эга фикрларни билдиради. Унинг қарашича, замона уламаси турк билан туркча, форс билан форсча, араб билан арабча эркин ва мунтазам сўзлаша олиши, ҳатто бу уч тилдаги матнларни юқори савияда тахрир этиш иқтидорига эга бўлиши зарур.

эркин ва мунтазам сўзлаша олиши, ҳатто бу уч тилдаги матнларни юқори савияда тахрир этиш иқтидорига эга бўлиши зарур. Бугунги кунда муаллимларнинг она тили қаторида дунё тилларидан бир нечасини мукамал билиши, уларда нашр этилаётган илмий кашфиётлардан, аввало, ўзи хабардор бўлиши ва албатта, ёш авлод онгу шуурини илмдаги энг сўнгги ютуқлар билан ёритиши муҳимдир. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Икки эмас, тўрт тил лозим” мақоласида ана шу масала таъсири ифода қилинган билан алоҳида ажралиб туради.

Давлатимиз раҳбари болаларимиз Хоразмий, Беруний, Ибн Сино сингари буюк мутафаккир аждодларимизнинг қайси асарини ўқий олиши, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек ва Али Қўшчининг болалик даврини ким билиши ҳақида савол берад экан, зиёлиларга мана бундай мурожаат қилди: “...ана шундай алломаларимизнинг ёшлиги ҳақида китоблар ёзиш, ёзганда ҳам болаларбоп қилиб ёзиш керак.

Фурсатдан фойдаланиб, мен ўз соҳасида илмий мактаб яратган хурматли олимларимизни адиблар ва ноширлар билан ҳамкорликда болалар учун қизиқарли ва сермазмун китоблар яратишга чақираман”. Президентимизнинг бу сўзлари Абдурауф Фитратнинг “Авлод тарбияси — миллат тарбияси” деган ёнқи фикрларини

ёдга солади. Ҳақиқатан, биз ёш авлод, аниқса, болаларимиз қалбига буюк мутафаккир боболаримиз даражасига етишмоқ орзусини жойлашимиз шарт. Халқимизнинг “Чўққига интилган ҳеч бўлмаганда тепага чиқади” мазмундаги мақоли бор. Ёш авлод қалбига илм-маърифатга чексиз рағбат туйғусини уйғотишимиз ва бу йўлда жидду жаҳд қилмоғимиз лозим.

Маҳмудхўжа Беҳбудий фикрича, чинакам тараққиётга эришмоқ учун ёш авлод ўз даври илмларини ўрганиш билангина кифояланмаслиги керак. Эртанги кун учун ҳам қайғурмоқ, келар замон илмини-да пухта эгалламоқ зарур. Улуг маърифатпарварнинг “Эй мусулмонлар! Болаларингизга келар замон илмини ўргатингиз! Зероки, аларни Худойи толоо халқ этди, сизларнинг замонингиздан бошқа, яъни келар замон учун”, деган сўзлари бунинг исботидир. Аслида, буюк аждодларимиз замондан ўзиб кетиш борасида ҳам беқиёс ибрат намунасини кўрсатган. Боболаримизнинг илмий кашфиётлари неча асрлардан ўтиб,

бугун ҳам башариёт тафаккури ва тамаддуни юксалтиришга хизмат қиладигани бунинг исботидир. Демак, авлодларимизнинг тараққиёт билан ҳамқадам бўлиши, ҳатто замондан бир қадам олдинда юришишга эришмоқ учун асослар бор.

Маърифатпарвар жадидларимиз “Тилда, фикрда, ишда бирлик” деган эзгу ғояни шиор қилиб олган ва амалда бунга эришган. Лекин қаттол мустамакка маъмурияти Ватан ва миллат фидойиларининг қанотини синдириди, уларни аёвсиз маҳв этди. Тарихнинг адолатини қарангки, жадидларни қатогон гирдобига ташлаган, қатл этган тузум узоқ яшай олмади. Бугун у тузум йўқ. Лекин жадидлар ҳануз тирик. Миллат қалбидан ҳамон яшаётди. Жадидларнинг бебаҳо асарлари миллатни олға — юксак марраларга ундайдиган Учинчи Ренессанс деган ҳаётбахш ғояга хизмат қиляпти. Эски даврларни қўмсаб, ҳар-ҳар замонда жон қадр, нймон қадр азиз истиқлолимизга раҳна солишга интилаётган бадбахтларга қарши курашга ундаётди. Ҳақиқатан, бугунги мураккаб ва зиддиятли давр ҳар биримизнинг жадид бўлишимизни тақозо этмоқда. Тилда, фикрда, ишда бирлики ҳаётини ҳаётга айлантирмоқда. Сиз бунга нима дейсиз, азиз замондош?!

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ҚИЛИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ
Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган тахшилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограф” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 172.
8848 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусахҳиш: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев
Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
ЎЗА якуни — 21:40 Топширилди — 23:15